

## ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТЛАРИНИНГ АХБОРОТ-ТАХЛИЛ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

(Қашқадарё вилояти мисолида)

Рахимов Улугбек Юлдошович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура тингловчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6705382>

**Аннотация.** Мазкур мақолада Профилактика хизматларининг ахборот-таҳлил ва режалаштириши фаолиятини ташкил этиши (Қашқадарё вилояти мисолида) можияти тўғрисида илмий маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** жиноят, жамият, профилактика, хусусият, ахборот-таҳлил, режалаштириши.

## ОРГАНИЗАЦИЯ ИНФОРМАЦИОННОГО АНАЛИЗА И ПЛАНИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СЛУЖБ ПРОФИЛАКТИКИ (На примере Кашкадарьинской области)

**Аннотация.** В данной статье представлена научная информация о важности организации информационно-аналитической и плановой деятельности служб профилактики (на примере Кашкадарьинской области).

**Ключевые слова:** преступность, общество, профилактика, признак, анализ информации, планирование.

## ORGANIZATION OF INFORMATION ANALYSIS AND PLANNING ACTIVITIES OF PREVENTION SERVICES (On the example of Kashkadarya region)

**Abstract.** This article provides scientific information on the importance of the organization of information-analytical and planning activities of prevention services (on the example of Kashkadarya region).

**Keywords:** crime, society, prevention, feature, information analysis, planning.

### КИРИШ

Ҳозирги шиддат билан ривожланиб бораётган тараққиётли замонда жиноятчиликка қарши курашиш ва уни олдини олиш борасида ички ишлар органларининг фаолияти замон талабларига жавоб берадиган даражада тубдан ислоҳ қилинмоқда. Ислоҳотлар жараёнида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, фаолиятини самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бу чора-тадбирларнинг барчаси қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – амалга оширилаётган барча ислоҳотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тутувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир”.

Жамиятда фаровонлиги ва тинчлигини таъмилашда Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни мухим бўлиб, асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

хуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

жисмоний шахсларнинг хуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат хисобланади.

Бундан ташқари хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари мавжуд бўлиб:

қонунийлик;

инсонпарварлик;

тизимлилик;

ишонтириш усулининг устуворлиги;

таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартиbdаги ёндашишлардан иборатлилиги ва ушбу принциплар асосида ишлар амалга оширилади.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг амалга оширувчи турлари мавжуд бўлиб, унда:

хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;

хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси;

хуқуқбузарликларнинг якка тартиbdаги профилактикаси;

хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширади.

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими мавжуд бўлиб, Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимиға қўйидагилар киради:

ички ишлар органлари;

прокуратура органлари;

Давлат хавфсизлик хизмати органлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

аддия органлари;

давлат божхона хизмати органлари;

давлат солиқ хизмати органлари;

мехнат органлари;

таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси органлари ўз йўналишлари бўйича хамкорликда амалга оширадилар.

Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилган бўлиб, унда;

Ички ишлар органлари:

хукуқбузарликлар профилактиcasига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хукуқбузарликлар профилактиcasига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан хукуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади;

хукуқбузарликлар профилактиcasини амалга оширади, шу жумладан хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шартшароитларни аниқлайди, бартараф этади;

хукуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва хукуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гурухларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чора-тадбирлар кўради;

паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўқотар қуролни сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;

жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидибувида иштирок этади;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

хукуқбузарликлар профилактиcasини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ички ишлар органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ички ишлар органларининг профилактика хизматларида ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолиятига оид таълимотлар асосида раҳбарлар бугунги кунда юқори турувчи раҳбарият томонидан кўйилаётган талабларни билишларни ва амалий фаолиятда уларни самарали қўллай олиш, мазкур жараённи ахборот билан таъминлашни, таҳлилий ишларни, бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва ижросини ҳамда назоратни ташкил қилишни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритишини ташкил қилиш ҳамда маҳсус шароитларда ички ишлар органларининг куч ва воситаларини бошқариш бўйича назарий билимларни эгаллашлари, малака ва кўнимкаларини ҳосил қилишлари керак.

Ички ишлар органларида хизмат қилаётган ҳар бир раҳбар ходим ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолиятини хизмат жараёнида мукаммал амалга ошириши, улар бошқаряётган таркибий тузилма ёки соҳавий хизмат зиммасига юклатилган вазифаларни

самарали бажаришини таъминлашга хизмат қилади.

Ички ишлар органларида хизмат қилаётган хар бир раҳбар ходим ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолияти асосида *тавсифлаш, изоҳлаш, прогнозлаш ва тартибга солишдан иборат вазифаларни* бажариши лозим бўлади:

*Тавсифлаш функцияси* орқали ички ишлар органларида ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолиятини ташкил этиш орқали хизмат жараёнини мувофиқлаштиришни, бошқаришни, хизмат жараёнларни натижаларини таҳлил этади ҳамда уларга баҳо беради.

*Изоҳлаш функцияси* орқали ички ишлар органларида ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолияти хизмат жараёнидаги қонуниятларни, шу жумладан, уларга таъсири қилувчи омилларни, ички ишлар органлари куч ва воситаларининг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш усуллари, шакллари ва механизмларини изоҳлаб боради.

*Прогнозлаш функцияси* орқали ички ишлар органларида ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолияти ички ишлар органларида хизмат давомида амалга оширилшган натижадорлик жараёнларини амалга ошириш қонуниятларини, шу жумладан, уларга таъсири қилувчи омилларни, шунингдек улар билан боғлиқ бўлган муаммоларининг келгусида ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш, мувофиқлаштириш соҳасида келтириб чиқардиган оқибатларини олдиндан башорат қиласи, ички ишлар органларининг ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолиятини самарали ташкил этиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш кераклигини кўрсатиб беради.

*Тартибга солиш функцияси* орқали ички ишлар органларида ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолияти барча йўналиш ва турларининг мукаммал ўрганиб чиқиб асосли равиш тегишли буйруқлар асосида ишларни ташкил қиласи.

Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолияти қуйидаги йўналишларда бажаради: ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти субъектлари ва обьектларининг бугунги ҳолатини ҳамда ижтимоий ҳаётдаги воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг уларга таъсирини таҳлил этиш; ички ишлар органларининг фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, шахс, жамият ва давлат ҳавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширишни ташкил қилувчи субъектларнинг ва улар билан ҳамкорлик қилувчи субъектлар фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқаришнинг йўналиш, шакл ҳамда усулларини тадқиқ этади. Ички ишлар органларининг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилишида ҳар бир ҳолатнинг аввалги, ҳозирги ва келгуси натижаларини эътиборга олади.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолиятини бошлаган давриданоқ ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ўзгартириш бўйича бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Ислоҳотларнинг аксарияти айнан профилактика инспекторларининг маҳалладаги ўрни ва мавқеини юксалтиришга қаратилди. Ўтган давр мобайнида профилактика инспекторларига муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида, уларга имтиёзли кредит асосида автомашиналар берилиб,

ўзлари хизмат олиб бораётган маҳаллаларда намунавий типдаги хизмат уйлари ажратилди.

Ички ишлар органлари профилактика хизматидаги ислоҳотлар Ўзбекистоннинг дунёда ўхшали йўқ ноёб тизими – маҳалладаги ислоҳотлар билан ҳамоҳанг олиб борилаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Юртбошимизнинг 2021 йил 12 февраль куни Ички ишлар вазирлигига ташриф буюриб, ҳайъат йиғилишини шахсан ўтказганлиги ҳам тарихий воқеага айланди. Шунингдек, мазкур кенгайтирилган йиғилишдаберилган топшириклар изжросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март кунидаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли Фармони ва 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарорлари қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан ҳалқнинг муаммосини эшлиши ва жойида бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида, ички ишлар органлари соҳасида, шунингдек хукуқбузарликлар профилактикаси тизимида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Хусусан, вилоят худудидаги 14 та маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа хукуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланган “Маҳалла хукуқ-тартибот маскан”ларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, профилактика инспекторлари томонидан бевосита жойларга чиққан ҳолда, ҳар бир оила ва хонадондаги мухитни, шунингдек, хукуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими йўлга қўйилди.

Профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий хукуқбузарликлар бўйича иш юритувни тўлиқ электрон шаклга ўтказилиб, таянч пунктларига оптик толали алоқа кабеллари тортилиб, интернет тармоғига уланди. Профилактика инспекторларининг суд мажлисларида видеоконференцалоқа орқали «масофавий» тарзда қатнашиш амалиёти жорий этилди.

Бундан ташқари, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамоили асосидаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида, вилоятдаги жами 796 та маҳаллалар криминоген вазиятдан келиб чиқиб “қизил” ва “сарик” тоифаларга ажратилиб, уларга шаҳар-туман сектор раҳбарлари ва бошқа тегишли мутасадди ташкилотлар вакиллари бириктирилди. Ушбу маҳаллалардаги муаммоларни “маҳаллабай” ва “оилабай”аниқлаб, ҳал этиш орқали, хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича “ижтимоий профилактика” тизими жорий этилди. Бундан ташқари, ҳар бир “қизил” ва “сарик” тоифадаги маҳаллада хукуқбузарлик эҳтимоли юқори обьектлар (бозор, кўнгилочар масканлар ва бошқа), жиноят содир этишга мойил шахслар (ишилиз, ичкиликка ружу қўйган, гиёҳванд, тажсовузкор руҳий касал)

тоифасига қараб, “жиноят ўчоқлари”ни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқылди. Шунингдек, туман-شاҳар ҳокимлари, хукуқ-тартибот идоралари бошлиqlари ва ўринбосарларини “қизил” ва “сарик” тоифадаги маҳаллаларга шахсан масъул этиб бириктирилиб, улар ҳар куни бир соат жиноятчиликнинг аҳволини таҳлил қилиб борилиши йўлга қўйилган.

Жиноят энг кўп содир этиладиган Қарши шаҳри ҳудудида жиноятчиликни жиловлаш бўйича батафсил комплекс чора-тадбирлар “Йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган бўлиб, вилоятдаги вазияти энг оғир 10 та маҳаллаларда вилоят ҳокими, прокурори, ички ишлар, солик ва Миллий гвардия раҳбарларига профилактик ишларни ташкил этиш борасида вазифалар юклатилган. Мамлакатимиз биринчи президенти И.А. Каримов «Ички ишлар идоралари ходимлари куни» муносабати билан соҳа вакилларига йўлланган байрам табригида «Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор.....», – деб таъкидлаган сўзлари ички ишлар органлари профилактика инспекторларига юксак масъулият юклайди.

Вилоят ҳудудидаги 58 та криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллалардаги муаммоларни “маҳаллабай” ва “оилабай” аниқлаб, ҳал этиш орқали, хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича “ижтимоий профилактика” тизими жорий этилди. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича алоҳида “маҳаллабай” дастурлар ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Шунингдек, вилоят ва шаҳар-туман ҳокимлари ҳар ойда профилактика инспекторлари билан уларнинг муаммоли масалалар бўйича таклифларини қабул қилиш учун шахсан сухбат ўтказишиамалиёти жорий этилди.

Суҳбатлар жараёнида аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан вилоят ҳудудида хизмат олиб бораётган профилактика (катта) инспекторларига шаҳар-туман ҳокимлеклари томонидан хизматда фойдаланишлари учун компьютер ва мебель жиҳозлари топширилди.

Вилоят ҳудудида жиноятчилик ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда янада самарадорликка эришиш мақсадида, барча профилактика инспекторлари томонидан вилоят ҳудудида яшовчи аҳоли орасидан жиноят содир этиш эҳтимоли бўлган 3 та тоифадаги ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турувчи, маҳалла фуқаролар йигинининг ички ҳисобида турувчи ва соглиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турувчи шахслар ажратиб олиниб, уларнинг рўйхатлари маҳаллалар кесимида шакллантирилди. Уларнинг ҳар бирига ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш бўлими, “Маҳалла” фаоллари, нуронийлар, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги, уй, кўча бошчилари, намунали оиласалар вакиллари ва бошқа жамоатчилик вакилларидан

3 нафардан мураббийлар бириктирилди. Бундан ташқари, маҳалла чизма ҳаритаси, демографик маълумотлари, жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларга мураббийларни бириктириш тизими, профилактика инспекторининг кунлик иш фаолияти тизими, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича профилактика инспекторининг давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширадиган чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, таянч пунктларига илинди.

Хукуқбузарликлар профилактикаси куни тадбирларини ташкил этиш ва амалга оширилган ишлар бўйича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сонли «Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан, вилоят худудида ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари жами 45 маротаба “Хукуқбузарликлар профилактикаси куни” тадбирлари ўтказилган. Тадбирни самарали ўтказиш мақсадида ушбу тадбирларга ички ишлар, прокуратура, солиқ ва бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ёшлар ишлари агентлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари жалб этилган. 2021 йилда ўтказилган тадбирлар давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, уйма-уй юриб, илгари судланган шахслар, вояга етмаган ҳукуқбузарлар ва бошқа тоифадаги шахслар билан тезкор-профилактик сұхбатлар ўтказилган.

Шунингдек, вилоят худудида тан жароҳати билан боғлиқ ҳамда оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида доимий равища “Турмуш” ва бошқа профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бироқ, айрим худудларда профилактика инспекторлари, тезкор вакиллар, сектор раҳбарлари ҳамда ушбу худудларга бириктирилган ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторлари ўртасида етарли даражада амалий ҳамкорлик ўрнатилмаганлиги, “Жиноят ҳақиқати ваadolati” деб номланган янги тизим асосида жиноятларнинг сабаб ва шартшароитлари чуқур таҳлил қилиниб, керакли чора-тадбирлар белгиланмаганлиги натижасида, вилоят худудида қотиллик, қасдан баданга оғир тан жароҳати етказиш, ўғирлик каби жиноятлар ҳамда оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳукуқбузарликларнинг содир этилишига йўл қўйилган.

Ўғирлик жиноятларини олдини олиш мақсадида, вилоят худудидаги 796 та маҳалла фуқаролар йигинлари худудига кириш жойларида 794 та “Жамоатчилик назорати масканлари” ташкил этилиб, уларнинг фаолиятини назорат қилиш профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари зиммасига юклатилган.

## МУҲОКАМА

Шундан далолат бериб турибдики, ҳар бир ичики ишлар органи раҳбари авваломбор ўзи раҳбарлик қилаётган жамоада амалга оширилаётган хизмат жараёнидаги иш унумдорлигини ошириш, амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш ва жиноятчиликни олдини олиш ва содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида ишларни режалаштириши лозимdir.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари профилактика хизматлари фаолиятида ахборот-тахлил ва режалаштиришни самарали ташкил этишининг ташкилий-хукуқий ва институциянал жиҳатлари тубдан ислоҳ қилинди. Айниқса, сўнгти уч йилда амалга оширилган ишларга назар ташласак, мамлакатимизда ҳукуқбузарликлар профилактикасини барвақт олдини олиш амалиётининг манзили тизими ташкил этилганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур тизимнинг кенг жорий этилиши эса, ички ишлар органлари профилактика хизматлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш имконини беради.

Бу эса, Республика миқиёсида 2019 йилга нисбатан 2021 йилда содир этилган умумий

жиноятлар 47,2 % га, жиноят қидирив соҳасидаги жиноятлар эса 49,9 % га камайиши кузатилди. Жиноят турлари бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилсак, қастдан одам ўлдириш 46 % га, ўғирлик 60,5 % га талончилик 77,2% га, босқинчилик 65% га, фирибгарлик 38,2 % га хамда безорилик жинояти эса 61,6% га камайганлигига ҳам кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиши, нуронийлар ижтимоий фаоллигини ошириши, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш масалалари давлат органлари ва жамоатчиликнинг олдидиа турган кечикитириб бўлмас вазифага айланди. Маҳаллаларда хукуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ислоҳотлар тизимнинг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Масалан, 2019 йилнинг якунига кўра жами мавжуд 9116 та маҳаллаларнинг 9,5 фоизида ёки 853 тасида жиноятлар содир этилмаган бўлса, 2021 йилнинг якунига келиб, бундай маҳаллалар сони 3 074 тани ёки 33,7 фоизиниташикли этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш зарурлиги” борасида ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифалар – ички ишлар органлари профилактика хизматлари фаолиятини таҳлил қилиш ва режалаштириш ташкил этиш борасида халигача муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермокда.

## ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг профилактика хизматларининг ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолиятини ташкил этишда юқори самарадорликка эришиш мақсадида қуидагилар таклиф этилади:

**биринчидан**, профилактика хизматларининг фаолиятини ташкил этишда ахборот-технологияларни кенг татбиқ этиш, бунда, профилактика фаолияти ўртасида ахборот алмашинувини электрон шаклда амалга оширишга ўтиш;

**иккинчидан**, жиноят ва хукуқбузарликларнинг амалга ошириш фаолиятида, ходимларнинг хизмати устидан назоратни кучайтириш ва кунлик сўров тизимини тўғри ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

**учинчидан**, профилактика хизматларининг ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кучайтириш ва мазкур фаолиятни амалга оширишда режалаштириш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида юрт тинчлиги, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний хукуқ ва эркинликларини таъминлаш ва химоя қилишда, жиноят ва хукуқбузарликларга қарши курашишда Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи бошқа органлар билан ҳамкорлиги биқиёс ахамият касб этади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2016 йил 9 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Республика Президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг “Жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳар

фандай жиноятга адолатли баҳо беришга қаратилган ишларимиз кескин кучайтирилади”номли остида ўтган маъruzаси. <https://uza.uz>.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуни. ЎзР.Қ-371. <http://lex.uz>.
3. *Исмаилов И., Мухамадалиев Д.С., Азизов У.Э.* Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари. – Т. 2019. – 6-7 б.
4. Ички ишлар идораларидағи ислоҳотлар – тинчлик ва осойишталик гарови: Монография / Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 197-198 б.
5. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон. <http://old.lex.uz/docs/5344118>.
6. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон.<http://old.lex.uz/docs/5353841>.
7. Қашқадарё вилояти ИИБ ҲПБнинг 2021 йилги ҳисобот маълумотлари.
8. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнингички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. – 2007. – 25 окт.
9. Қашқадарё вилояти ИИБ ҲПБнинг 2021 йилги ҳисобот маълумотлари.
10. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017. – № 12. – 184-м. <http://lex.uz>.
11. Қашқадарё вилояти ИИБ ҲС ва ТҲМБнинг 2020-2021 йиллардаги жиноятчилик статистикаси маълумотлари.